



Вилоят Юқумли касалликлар шифохонасида даволанаётган беморлар учун  
иссиқ овқат тайёрлаш Аутсорсинг хизматини бажарадиган ташкилотни  
танлаш бўйича

## **ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ**

**Буюртмачи:** Вилоят Юқумли касалликлар шифохонаси

Қарши – 2022 й.

## ШАРТЛАР

-Иссиқ овқат ўтказиб берувчи ташкилот ва муассаса ходимлари, мутахассислари мавжудлиги, танловдаги ишларни бажариш тажрибасига етарли касбий техникавий малакасига эга бўлиши шарт.

- Хизматларнинг максимал нархи апрел ойи учун 142960000 сўм, май ойи учун 142960000 сўм жами 285920000 (икки юз саксон беш миллион тўққиз юз йигирма минг) сўмни .

- Иссиқ овқат билан таъминлаш учун озиқ-овқат маҳсулотларнинг сифати ва сертификатлари мавжуд бўлиши лозим.

- Молиявий имкониятларга шартнома тўзиш юзасидан фуқаролик муомаласига, ҳуқуқий лаёқатга ва ваколатга эга, тажрибали ва ишончли бўлими шарт.

- Иссиқ овқат етказиб берувчи корхона ва муассасалар Давлат реестридан рўйхатидан ўтган гувоҳномага эга бўлиши шарт.

- Иштирокчилар томонидан берилган тижорат таклифлар комиссия аъзолари томондан ўрганиб чиқилади, иштирокчилар билан сўхбат жараёнида иш хизмат кўрсатиш сифати аниқлаб олинади комиссия аъзолари энг арзон таклиф берган иштирокчини танлашга мажбур эмас балки сифатли иш хизмат кўрсатувчи иштирокчи танланиши мумкин бўлиб деб топилган иштирокчи билан шартнома имзоланади ва олдиндан 30% тўлов амалга оширилади, қолган 70% тўлов иш ёки хизмат якунланиб иш ва хизмат хажми, сифати комиссия томонидан текширилгандан сўнг тўлаб берилади. Иштирокчилар шартнома тўзиш учун қонуний ҳуқуқга эгаллиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги, ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги, шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий ва кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги, инсофсиз ижрочилар ягона реестрига қайд этилмаганлигини тасдиқловчи маълумотлари бўлиши керак.

- Ижрочилар билан ҳисоб-китоблар миллий валютаимиз сўмда тўлаб берилади.

- Танловда иштирок этиш учун таклифлар ўзбек тилида тайёрланиши лозим.

- Танлов иштирокчиси битта лотга фақат битта таклиф беришга ҳақли.

- Тўпламлар сони: 5 иш куни давомида

Танловга қўйилган товарнинг (хизматнинг,ишнинг) нархи қўшилган қиймат солиғи билан ёки қўшилган қиймат солиғисиз. Ишлар танлов ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим. Хизмат кўрсатиш муддати: ҳар ой календар санаси бўйича 28,29,30 ёки 31 кун.

Буюртмачи – Вилоят Юқумли касалликлар шифохонаси. Манзил: Қарши шаҳри Беруний кўчаси 7-уй. Телефон 75-226-08-49. Танлов ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс: Бош шифокор комиссия раиси, котиби ва комиссия аъзолари Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида жойлашган Вилоят Юқумли касалликлар шифохонасида даволанаётган беморларга тайёр иссиқ овқат тайёрлаб етказиб бериш Аутсорсинг хизмати бўйича лот муддати тугагандан сўнг барча иштирокчилар ва комиссия аъзолари билан ўтказилади.